



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАР ТАДҚИҚОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Самиджонова Муҳаббат Холиқжоновна

Наманган вилоят ХТХҚТМОҲМ ўқитувчиси

Тел:+99894-300-77-06

samijanova7706@gmail.com

Илмий раҳбар: п.ф.д.проф.Тохтаходжаева М.Х

Аннотация.

Ушбу мақолада олий таълим тизимида муассасаларида талабалар тадқиқотчилик фаолиятининг асосий босқичлари ҳақида баён этилган.

Калит сўзлар

тадқиқотчилик, илмий тадқиқот, инновация, таълим сифати, тадқиқотчилик фаолиятини 3 асосий босқич

Кейинги йилларда Ўзбекистонда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг кўламли ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳудудларда янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда сиртки ва кечки бўлимларнинг очилиши, олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг оширилиши мазкур йўналишдаги муҳим ислоҳотлардандир. Барқарор иқтисодий ривожланиш шароитида Ўзбекистонда олий таълим тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш ва унинг меҳнат бозорини ривожлантиришга таъсирини кучайтиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ортиб бормоқда. Меҳнат бозорини шакллантириш ва ривожлантириш, биринчи навбатда олий таълим тизими орқали тайёрланаётган юқори малакали кадрлар қудратига, уларнинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқдир. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” ПФ-5847-сон Фармони қабул қилди. Унга кўра, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш долзарб вазифа этиб белгиланган [1]. Замонавий мураккаб ва ўзгарувчан педагогик жараён ўқитувчининг касбий мақомига алоҳида талаблар қўймоқда. Ҳан бўйича билимларни ўқувчилар томонидан яхшироқ ўзлаштирилиши учун шароит яратишга қаратилган анъанавий кўникмалар билан бирга яна фойдаланилаётган методларнинг самараси даражаси, ташкилий шаклларнинг муҳимлигини белгилаш, ўз фаолияти натижаларини англаш, тузатишлар киритиш сингарилар талаб қилинмоқда. Бу мураккаб вазифаларни педагогик жараёнда унинг моҳияти, ички тизими ва бошқа воқеликлар билан алоқасини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотчилик фаолиятини амалга ошириш орқали ҳал қилиш мумкин.

Педагогик жараёнда тадқиқотчилик фаолиятини 3 асосий босқичда тақдим этиш мумкин.

1-босқич. У шартли равишда “дастлабки” деб аталади. У тадқиқот мақсадини белгилаш, гипотеза олға суриш, тадқиқот муаммоси бўйича мавжуд ёндашувларни ўрганиш кабиларни ўз ичига олади.

2-босқич. “Ташкилий фаолият” – тадқиқот фаолияти, айниқса тадқиқот методикаси анжомларини танлашдан иборат бўлади.

3-босқич. “Аналитик”. Бу босқичда олинган натижалар ва уларнинг мақсадги мослиги таҳлил қилинади, кейинги ишлар учун муаммолар белгиланади.

Педагогик тадқиқот жараёнида ўқитувчидан тадқиқот фаолиятини амалга ошириш учун йўналтирилган махсус кўникма талаб қилинади. Шунга кўра бундай малакалар тадқиқий деб номланади. Педагогик фаолият доирасида тадқиқий малакага қуйидагича таъриф бериш мумкин: бу талаба шахсини тарбиялаш, таълим бериш ва ривожлантириш жараёни ҳақида билимлар олиш, бу жараён факти ва ходисаси орасидаги алоқани белгилаш усули ҳисобланади.

Замонавий педагогика ва психологияда кўникма муаммосига кўп вақт ва эътибор берилган ва берилмоқда. Муваффақиятли ўқув-билиш ва касбий фаолият учун зарур бўлган кўникмалар таърифига турлича ёндашувлар мавжуд. Мавжуд таснифларни умумлаштириб кўникмаларнинг икки асосий соҳасини кўрсатиш мумкин:

1. “Содда” ва “махсус” (Г.И.Шчукина), “элементар” (А.А.Степанов), “хусусий” (В.П.Стрекозин, Е.И.Игнатъев) ва бошқа кўникмалар.

2. “Мураккаб ва умумлашма” (Г.И.Шчукина) кўникмалар, “кўникма-маҳорат” (Степанов, Платонов), “умумий тартибдаги кўникма” (Т.А.Ильина), “умумий” кўникма (Е.И.Игнатъев) ва бошқалар.

Кўникмаларнинг биринчи гуруҳи кўпроқ продуктив фаолият билан боғлиқ (Т.К.Александров фикрига кўра тадқиқот фаолияти). Кўникмаларнинг иккинчи гуруҳи ижодий тадқиқот фаолияти билан боғлиқ.

Шунинг учун тадқиқотчилик фаолияти гуруҳи “мураккаб кўникма, умумлашма” сифатида талқин этилиши мумкин.

Педагогик тадқиқотлар методологияси ва методикаси, касбий кўникмалар мазмуни муаммолари, замонавий ўқитувчини шакллантириш бўйича ҳамкорликдаги тадқиқотлар қуйидагилар:

- педагогик жараёнда тадқиқот учун муаммони кўра олиш кўникмаси;
- фаразлар олға суриш кўникмаси;
- тадқиқот соҳасида ўрганилган илғор ва тарихий тажрибани умумлаштириш кўникмаси;
- турли метод ва методикалардан фойдаланиб экспериментал фаолиятни ташкил қилиш кўникмаси;
- экспериментал фаолият натижаларини фаразлаш;
- тадқиқот натижаларини мустаҳкамлаш кўникмаси;
- экспериментал фаолиятни боришига тузатиш кирита олиш кўникмаси;
- тадқиқот ишлари натижаларини ишлаб чиқиш ва кейинги фаолият учун хулосалар чиқариш кўникмаси.

Тадқиқот кўникмаларига эга бўлиш мутахассисга таълим ва тарбия соҳасида таълим муассасасида педагогик жараённи яхшилаш йўллари белгилаш ва талаба имкониятларини тўла очиб бериш имконини беради.

Тадқиқот кўникмаларини ривожлантириш учун зарур бўлган, педагогнинг тадқиқот фаолиятини самарали шакллантиришга ёрдам берувчи қуйидаги саволлар ушбу сатрлар муаллифини қизиқтириб келади:

1. Бу кўникмаларни қачон шакллантириш ва ривожлантиришни бошлаш лозим?

2. Қандайдир шахсий хусусиятлар уларни ривожланишига ёрдам берадими? Ёрдам берса, қандай қилиб?

3. Тадқиқот кўникмалари тор мутахассисликка оидми ёки улар фанлараро ҳисобланадими? Кўникмаларни бир соҳадан бошқасига ўтказиш мумкинми?

Педагогик мазмунга эга бўлган материал асосида 1-курсда кузатиш ва элементар тажрибалар ўтказилади. Бу иш шакллари 1-курс талабалари учун соддалиги, кўргазмалилиги ва мазмуни билан тушунарли ҳисобланади. Яхши ташкил этилган тажриба ва кузатишлар туфайли талабалар тадқиқот методлари ҳақида дастлабки тасаввурларга эга бўлади.

ЭИФ ривожлантириш бўйича мақсадли равишда олиб борилган ишлар натижасида изланиш натижаларига эришишга қаратилган қуйидаги кўникмаларни эгаллайди:

- ўзи учун қизиқарли, сирли, тушунарсиз бўлган жиҳатларни англаш кўникмаси;
- мустақил ёки ўқитувчи ёрдамида изланиш вазифасини шакллантириш кўникмаси;
- кузатиш ёки элементар тажриба методидан фойдаланиб мустақил равишда ёки ўқитувчи ёрдамида саволларга жавоб топиш кўникмаси;
- олинган жавобларни (натижаларни) қўйилган вазифага мослиги нуқтаи назаридан баҳолаш кўникмаси;
- ўз олдига истикболдаги фаолият вазифасини қўйиш кўникмаси.

Элементар изланиш фаолияти қандай ривожланиб боради, деган савол туғилади. Ўқув жараёнининг бошида изланиш фаолияти мазмунини кенгайтириш ва чуқурлашуви рўй беради. Талабалар ўқув фаолияти ҳақида маълум билимларга эга бўлади, уларда етакчи фаолият турларида акс этадиган ақлий фаолият усуллари шаклланади, бу изланиш мотивациясига таъсир қилади. 2-курсда 1-курсга нисбатан сенсор, шахсий, ҳиссий, идрок этиш ривожли даражаси сезиларли ортади. Бунда ўқув фаолияти етакчи бўлиб қолади. Элементар изланиш фаолияти хусусияти ҳам ўзгаради. Дастлабки фаолиятда ЭИФни фарқловчи муҳим хусусиятлар қуйидагилардан иборат бўлиб қолади:

- ўқув режаси доирасида билимларни эгаллашга йўналганлик (мазмуний томон);
- мотивация йўналишини ўзгартириш.

Фаолиятнинг дастлабда изланиш фаолияти доирасида тадқиқот кўникмасига келсак, бунда мактабгача ёшда олинган билимларни мустаҳкамлаш жараёни рўй беради. Айни пайтда барча болалар мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланишини ёдда тутиш зарур. Кўпчилик бундай багажга эга бўлмаган ҳолда дастлаб мактабга, сўнгра ОЎЮга келади. Бу ҳолда ОЎЮнинг вазифаси талабалар томонидан бундай кўникмаларни эгалланиш даражасини аниқлаш ва ЭИФнинг яхлит даражасини яратишдан иборат бўлади. Бунга табақалаштирилган вазифалардан фойдаланиш, педагогика бўйича машғулотларда доимий кузатувлар ва тажрибалар ўтказиш ёрдамида эришилади.

П.А.Завитаев, М.Н.Скаткинлар таъкидлашча, талабанинг ақлий фаоллигини ривожлантириш учун педагогика курсида ташкил этилган доимий тажриба ва кузатувлар катта роль ўйнайди.

Бошқача айтганда, ОЎЮда педагогик билимлар материали асосида билиш фаолиятини янада ривожлантириш, изланиш фаолиятини олиб бориш учун кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёни кечади.

Изланиш фаолияти кўникмасини эгаллашда педагогик мазмунининг аҳамияти бебаҳо ҳисобланади. ОЎЮда таҳлилчилар фаолияти ривожланишда давом этади, бунинг натижасида талаба атроф дунё ҳақидаги тасаввурини янада бойитади, ўзининг ҳиссий тажрибасини тўлатади. Педагогик билимларнинг ўзига хос хусусиятлари сенсор

маданиятни ривожлантиришга имкон беради, кузатишни фаолият ва сифатни кузатувчанлик сифатида такомиллаштиришга йўл очади.

ОўЮгача бўлган таълимда талаба мураккаброқ бўлган билиш вазифаларини ҳал этишга тайёрланган бўлади. ОўЮ босқичида эса атроф воқелик ҳақидаги билимлар мазмуни мураккаблашади, ўрганилаётган ҳодисалар доираси кенгайди, янги фанлар пайдо бўлади. Бу даврда руҳий ва жисмоний ривожланиш даврида ўқув-билиш фаолияти кўникмаси такомиллаштирилади. Булардан ташқари бу давр сензитив ҳисобланади, бу тадқиқот фаолиятини амалга ошириш учун муҳим ҳисобланади.

Фан ривожининг ҳозирги босқичида умумфан муаммоларининг гуманитар йўналиши аниқ кўриниб қолади. Билиш объектлари мураккаб мажмуани ташкил этади, инсон эса унинг ажралмас қисми бўлиб қолади. Бундай объектларни эгаллашга қаратилган тадқиқот стратегияси инсон хусусиятлари тизимини илмий изланишда зарурий жиҳат сифатида ҳисобга олишни талаб қилади¹. Гуманитарлаш илмий билишни ривожлантиришнинг етакчи тенденцияси бўлиб қолади.

Илмий билишда гуманитарлаш жараёни ижтимоий-гуманитар, табиий ва техник билимлар методларининг ўзаро алоқаси соҳасида намоён бўлади. Билиш муаммоси контекстида ишлаб чиқиладиган илмий фаолиятнинг гуманитар-шахсий методлари кенг ривожланмоқда. Тушуниш принципи илмий таҳлилнинг ахамиятлироқ усули бўлиб қолаяпти ва ҳам ижтимоий-гуманитар, ҳам табиий билимлар соҳаларидаги тадқиқот вазифаларини ҳал қилаяпти. Замонавий билиш вазиятида гносеологик фаолиятнинг асосий қайдаси “билиш тушуниш демакдир” қабилида жаранглайди. Тадқиқот фаолиятининг турли соҳаларига тушуниш принципини кенг татбиқ этилиши табиий, ижтимоий, гуманитар ва техник фанлар стилистикасининг яқинлашувидан дарак беради. Гуманитар фанлар методлари билан танишиш мутахассиснинг эвристик имкониятларини кенгайтиради, касбий жиҳатдан уни мослашувчан қилиб қўяди, унга фанлараро алоқа ва фанлар ўртасидаги муаммоларни кўриш имконини беради². Фан методологиясининг ўзи янги билиш вазиятида методлар ҳақидаги фан сифатида эмас, балки билиш субъектининг фаоллиги ҳақидаги кўникма сифатида кўрила бошланади, бу фанни гуманитарлашувининг муҳим омили ҳисобланади. ХХI аср фанининг янги образи “маданият мантиқи” сифатида ривожланиши асосига қурилади³.

Гуманистик ёндашув инсон тараққиётида фан, техника ва технологиянинг ролини рад этмайди. Турли хилдаги глобал кризисларни ҳал этиш учун гуманитар ва аниқ фанлардан билимларни комплекс жалб этиш зарур. Аммо тафаккурнинг гуманистик йўналиши доирасида улар янгича маъно касб этади, улар “инсон ва олам” тизимида баҳо бериладиган восита сифатида намоён бўлади, бу ижтимоий, экологик ва умуман инсонийлик қоидаларига амал қилишни назарда тутаяди.

Таълимни янги кадриятларга буриб юборишда ўқитувчининг, унинг касбий мақоми ва ижодий имкониятининг етакчи роль ўйнашини исботлашга ҳожат йўқ.

Ўқитувчининг касб маҳоратининг умумий йўналиши сифатидаги ижодий имкониятини ривожлантириш қуйидагиларда кўринади:

- таълимни гуманитарлаштириш принципларидан келиб чиқиб касбий-педагогик муаммоларини ҳал этиш методологиясини эгаллашда ўқитувчига ёрдам бериш;
- мактаб ўқитувчининг ўзининг иши концепциясини тузиш усулларини англаб олишида кўмаклашиш;
- ўқитувчи билан бирга иш тажрибасида, айниқса тажриба-экспериментал ишларни ташкил этишда концептуал ёндашувлари усулини топиш;
- ўқитувчига педагогик янгиликлар натижаларини англашиша имкон бериш, уларни ва ўз-ўзини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш.

Катта ҳажмдаги ўрганилаётган материал тадқиқотчига талаба ҳам ўқув курсида белгиланган, ҳам унинг билиш эҳтиёжини қондиришга қаратилган вазифалар сифатида белгиланган билимларни мустақил равишда эгаллайдиган қилиб ташкил этишига имкон беради. Юқорида таъкидланганидек, ОЎЮгача таълимда психофизик ривожланиш хусусиятига кўра ўқувчи фаол билиш фаолиятига мойил бўлади. Билиш фаолиги илмий билимларни чуқур эътиқодга, илмий билимларни ижодий эгаллаш тизимига айлантириб қўяди, бу фаолият мақсадини англашда, шахснинг ғайратли фаолиятга тайёрлиги ва бевосита билиш фаолиятининг ўзида ҳам кўринади. Бундай фаолият тури учун маълум шароитларни англаш зарур бўлади, негаки улар туфайли талабаларда билишга, хулқ ва тафаккурнинг самарали усуллари эгаллашга эҳтиёж пайдо бўлади.

Педагогик фанлар курсларида тадқиқот кўникмаларини ривожлантириш бўйича мақсадга йўналтирилган иш шундай шароитлардан бири ҳисобланади.

Талаба тадқиқотни амалга ошира оладими, деган савол туғилади. Ўқитувчиларнинг тематик ва ташкилий жиҳатдан ранг-баранг бўлган ишлари, уларнинг талабаларни тадқиқот фаолиятини ривожлантириш бўйича кўп йиллар давомида олиб борган ишлар талабалар тадқиқот иши билан шуғуллана олишини тасдиқлайди. Педагог раҳбарлигидаги тўғарак аъзолари тадқиқот учун муаммо топиш, тадқиқот фаолияти вазифаларини белгилаш, маълум муаммо бўйича адабиётларни ўрганиш, эксперимент фаолияти методикасини ишлаб чиқиш, эксперимент давомида кузатиш, натижалар, хулосалар қилиш кабиларга ўрганади. Бундай фаолият якуни натижаси қуйидагилардан иборат бўлди:

- талабалар реферати, буларда уларнинг илмий ва ижодий қизиқишларини амалга ошириш ўз аксини топди;

- янги билим олиш (бу билимлар хулқ хусусиятлари, ижодий қобилиятларни ўстириш, чекишга қарши самарали кураш усуллари ва бошқалар ҳақида бўлади. Шундай қилиб, ОЎЮда педагогик билимлар мазмунида шахсий тадқиқот малака ва кўникмаларини шакллантириш мумкин). Агар ўқув юртида тадқиқот фаолияти кўникмасини ривожлантириш бўйича мақсадга қаратилган ва узвий олиб борилса, таҳсил охирида илмга интилувчан талабалар гуруҳи шаклланиши мумкин. Зеро бунда билимлар хусусиятини билиш тадқиқот фаолияти мазмунига муқобил бўлиш мумкин, тадқиқот методлари айнан педагогик фанлардан дарсларда ўзлаштирилади.

Табиийки, талабаларнинг тадқиқот билиш хусусиятларига эга бўлади, уни ҳали илмий фаолият деб бўлмади. Аммо баъзи новатор педагоглар талабаларнинг тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиб юқори натижаларга эришгани маълум. Хусусан диплом лойиҳаларини шундай ташкил қилиш аяптики, бу ишлар мустақил равишда зарурий билимларни топиш ва умумлаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишда қандайдир янгилик яратиш, рационализаторлик таклифларини киритиш ва уларни қўллашнинг самарадорлигини исботлашга имкон берапти.

Шу ўринда ОЎЮда ТФни ривожлантиришга тегишли қуйидаги таклифлар вужудга келди:

- мустақил таълимга интилишни ҳосил қилиш;
- мактабдан кейинги фаолиятда (билим юртлари ва олий ўқув юртига кирганда) билишга бўлган қизиқишини аниқлаш.

Мактабни тамомлагач, кейинги таълим йўлини танлашда маълум даражада шаклланган тадқиқот фаолиятини бир неча йўналишда ривожлантириш мумкин:

- педагогик фаолият билан боғлиқ илмий ва касбий соҳалардаги (техник, гуманитар йўналиш) ижодий тадқиқот фаолият;

- педагогик жараёнда (педагогик коллеж, лицей, педагогик йўналишдаги олий ўқув юртлар) ижодий тадқиқот фаолияти.

Юқорида таъкидланганидек, замонавий педагогик жараён ниҳоятда мураккаб ва кўпмаънолидир. Самарали ўқув-тарбия ишлар учун педагог тадқиқот фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган кўникмалар билан қуролланган бўлиши зарур. Уни тўғри ташкил қилиш орқали таълим ва тарбия жараёнининг объектив қонуниятларини ўрганишга, педагогик таъсир натижаларини ташхислаш, педагогик билим ва ҳодисаларнинг алоқаси ва қонуниятларини очиқ беришга ёрдам берди.

Шундай қилиб, биринчи масала бўйича яқун ясаш асносида тадқиқот фаолиятини (шу билан бирга кўникмаларнинг вужудга келиши ва такомиллашуви) қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

1.	Ижодий (шунингдек педагогик) тадқиқот фаолияти
2.	Шахсий тадқиқот фаолияти
3.	Элементар тадқиқот фаолияти

Жадвалдан кўринадики, турли соҳалараги тадқиқот фаолияти педагогик коллежларда бошланади, институтларда эса маълум даражада шаклланган мутахассислар бу кўникмаларни ўз багажидан таълим муассасасидаги педагогик жараёнга ўтказиши вабу ўтказиш икки асосий йўналишдан иборат бўлади:

- педагогик жараёнда тадқиқот;
- ўқув фани доирасида тадқиқотни амалга оширишга ўргатиш (энг маъқули педагогик мазмундаги материалдан).

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони. 2019 йил 8 октябрь.
2. Галаган А.И. Мировые тенденции в области научных исследований высшего образования. – Тошкент: Ахборотнома, 2003. № 17. – С. 36-40.
3. Курбанов Ш., Сейтхалилов Э. Кадрлар тайёрлаш дастури: педагогик илмий-тадқиқот муаммолари ва йўналишлари. – Тошкент: Фан, 1999. – (9,5 б.т.
4. Рахимов Б.Х. Олий таълимнинг ўқув жараёнида талабалар илмий тадқиқот ишлари фаолияти // Халқ таълими. – Тошкент, 2007, № 6. - б. 47-48.